

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 271 (1060), 2023 йил 29 декабрь, жума



ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАР ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАНИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

28 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида Ўзбекистон Президенти ва Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси бир-бирини яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан дилдан кутлаб, қардош халқларимизга тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва раванқ тилаklarини билдирдилар.

Давлатимиз раҳбари Туркманистон Президенти Сердар Бердимухамедовга ўзининг самимий саломи ва энг эзгу тилаklarини йўллади.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва чуқурлашган стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Илгари эришилган, шу жумладан, парламентларо мулоқот доирасидаги келишувлар ижросининг бориши муҳокама қилинди.

Томонлар барча устувор йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик сезиларли фаоллашганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзаро савдо ҳажми ошмоқда — 2023 йил якуни билан товар айирбошлаш 1 миллиард доллардан ортади. Пойтахт Тошкент ва Ашхобод шаҳарларида савдо уйлари очилди, бир-галликда “Шовот — Тошовуз” чегараолди савдо зонасини барпо этиш бўйича ишлар давом этмоқда.

Саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт соҳаларида икки мамлакат етакчи корхоналарининг кооперацияси кучаймоқда, худудларо алоқалар кенгаймоқда. Жорий йилда Ҳукуматларо комиссия ва Ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги ййгилишлари муваффақиятли ўтказилди.

Қўшма маданий-гуманитар тадбирлар, шу жумладан, Маданият кунлари ва ижодий жамоаларнинг сафарлари утказилмоқда.

Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорликнинг амалий жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашилди. 2024 йилга мўлжалланган учрашувлар режаси қўриб чиқилди.

ЎЗА

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТИ, ИНСОН МАНФААТЛАРИНИНГ САМАРАЛИ ҲИМОЯСИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Яқунланаётган 2023 йил мамлакатимиз тарихида конституциявий ислоҳотлар йили сифатида мустақкам муҳрланиб қолади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Ҳеч шубҳасиз, том маънода халқчил қомус бўлган Асосий қонуниimiz янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг қўламли ислоҳотларимиз ортага қайтмаслигининг мустақкам ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади”.

Шу йил 30 апрель куни миллий тарихимизда биринчи марта умумхалқ референдуми асосида Конституциямиз янги таҳрирда қабул қилиниши улкан тарихий воқеа бўлди. Зеро, янгиланган

Конституциямизнинг ижодкори ва муаллифи ҳам, уни қабул қилган ҳам халқимиз. Собиққадамлик билан амалга оширилган ислоҳотлар самарасида “инсон — жамият — давлат” кон-

ституциявий модели асосида инсонпарвар демократик давлат, очик ва адолатли жамият барпо этишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари янада мустақкамланди.

Давоми 3-бетда

ОБОД МАНЗИЛЛАР

ШАҲАРДАН ҚОЛИШМАЁТГАН ЧЕККА ОВУЛЛАР

Қорақалпоғистоннинг Тахтақўпир туманидаги Қоратерен қўли бўйида этнотуристик объект қурилиши бошланди. Айни пайтда туман марказидан 40 километр узоқда жойлашган қўл бўйида ўтовлар тикланмоқда. Бу ерда сайёҳлар учун зарур барча шароит яратилапти. Йўллар асфальтланди, худуд тўлиқ электрлаштирилди. Қурувчиларнинг айтишича, қўл бўйи ажайиб сайёҳлик манзилига айланади. Қўлаб маҳаллий аҳоли ишли бўлади. Қурувчилар ишни келаси йил баҳорда якунига етказишни режалаштирган.

Давоми 2-бетда

ЭЪТИРОФ

Президентимиз 2020 йил 31 январь куни Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига ташир буюриб, олимлар, ёш тадқиқотчилар, ишлаб чиқариш вакиллари, илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари билан учрашув ўтказган эди.

ОРЗУЛАР РЎЁБИ — ИЛМГА ВА УНИ ЎРГАНИШГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР НАТИЖАСИ

Бугун ҳам яхши эспайман, ўшанда Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуни қабул қилингани, уни ҳаётга табиқ этишнинг амалий платформасини яратиш мақсадида Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши ташкил этилгани таъкидланди. “Энди олимларимиз ҳам масъулиятни чуқур ҳис

қилган ҳолда, тадқиқотларнинг амалий натижалари билан тегишли соҳалар ривожига муносиб ҳисса қўшишлари лозим. Нуфузли академиклардан ҳам, илм-фан соҳасига илк қадам қўяётган ёш олимлардан ҳам катта шижоат ва амалий натижадорлик қилиш талаб этилади”, деди давлатимиз раҳбари.

Давоми 5-бетда

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ ВА МУСТАҚКАМ ИЖРО ИНТИЗОМИ — ФАОЛИЯТИМИЗ САМАРАДОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай мамлакат ташаббускор, интизомли, шижоатли ва ислоҳотларга дахлдорлик тўғриси билан меҳнат қиладиган, масъулиятни теран ҳис қила оладиган кадрлар билан тараққиётга эришади.




Самарали бошқарув тизимини яратиш жараёнида ҳар бир ходим ўз зиммасидаги вазифаларни виждонан ва масъулият билан бажариши муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, маҳаллий давлат бошқаруви органлари фаолиятида ҳам ижро интизими масаласига натижадорликка эришишнинг муҳим омили сифатида қаралади. Таъкидлаш жоизки, “ljo.gov.uz” ижро интизими идораларо ягона электрон тизимининг жорий этилиши қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлашда муҳим қадам бўлди. Ушбу электрон тизим қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини назорат қилишни “занжир механизми” асосида, таъбир жоиз бўлса, “соатбай” тартибга солади. Натижада қонун, фармон ва қарорлар ижросини тўғри ташкил этиш орқали амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳар бир туман, қишлоқ ва маҳаллагача етиб боришига эришилмоқда.

Давоми 2-бетда

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЎРНИ

соҳада ўсиш бор, аммо етарли эмас



Ўзбекистонда кенг қўламли ислоҳотлар бошланганидан буюн хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодий ривожланишнинг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Президентимиз раислигида жорий йил 18 декабрда худудларда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва хизматларни ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор ййгилишида айна йўналишдаги ишлар таҳлил қилинди, галдаги устувор вазифалар белгиланди. Ушбу мақолада мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаси қандай ривожланаётгани ва бу борада 2024 йилга қандай вазифалар қўйилгани ҳақида сўз боради.

2022 йилда иқтисодиётда жами хизматлар ҳажми 357 триллион сўмга етиб, 2017 йилга нисбатан 2 баробар ошди. Сўнгги 6 йилда хизмат кўрсатиш соҳасига жалб қилинган инвестициялар ҳажми эса 4,2 баробар

кўпайиб, 2022 йилда 114,5 триллион сўмни ташкил этди.

Соҳани ривожлантиришда иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматларининг асосий қисми савдо, транспорт хизматлари ва молиявий хизматларга тўғри келади. Хусусан, 2022 йилда савдо хизматлари улуши 24,8 фоиз, транспорт хизматларининг ҳиссаси 22,7 фоиз, молиявий хизматлар улуши 22,5 фоизни ташкил этди. Шунингдек, хизматларнинг салмоқли қисми ахборот ва коммуникациялар (6,4 фоиз), таълим (4,3 фоиз), турар жой ва умумий овқатланиш соҳаларида (3,2 фоиз) бажарилди. 2023 йилнинг 11 ойи давомида 421 триллион сўмлик хизматлар кўрсатилди. Бугунги кунда молия, транспорт, савдо, туризм, таълим, тиббиёт ва алоқа-ахборот тармоқлари жами хизматлар ҳажмининг 85 фоизини таъминламоқда.

Давоми 4-бетда

Замонавий дунёда хизмат кўрсатиш соҳаси йилдан-йилга янада барқарор аҳамият касб этиб бормоқда. Негаки, иқтисодиёти хизмат кўрсатиш соҳасига асосланган мамлакатлар саноат ёки қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти устига қурилган давлатларга қараганда тезроқ ривожланипти. Дунёнинг илғор мамлакатларида хизматларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 75 фоиздан юқорилиги ҳам бежиз эмас. Ақлий меҳнат ходимларининг 80 фоиздан ортиги ва олий маълумотли кадрларнинг 87 фоизи айна шу соҳада жамланган. Хизматлар иқтисодиётни ижтимоий йўналтиришга ва аҳоли турмуш сифатини яхшилашга кўмаклашади.

МАЪНАВИЯТ ЧИРОФИ
Ҳеч қачон ўчмасин!
 5

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР

мамлакатимизнинг барқарор тараққиёти,
инсон манфаатларининг самарали ҳимоясига хизмат қилади

Мирзо-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди
раиси, Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган юрист



Бошланиши 1-бетда

ХАЛҚ ИРОДАСИНING ЁРҚИН ИФОДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолияти жорий йил ҳар қачонгидан самарали бўлди. Бунинг Конституциявий суд томонидан 2022-2023 йилларда 119 қонун ва 1384 та бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлиги ўрганиб чиқилганида ҳам кўриш мумкин.

Конституциявий суд қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг миллий Конституцияга мувофиқлиги оид ишларни кўради. 2023 йил 13 март кунин Конституциявий суд Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонун лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида”ги қарорининг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги масалани очик суд мажлисида кўриб чиқди.

Конституциявий суд Қонунчилик палатаси томонидан Конституцияга ўзгартириш киритиш тартибига риоя қилингани, референдумга қўйилаётган конституциявий қонун лойиҳасида референдум предмети бўлиши мумкин бўлмаган масалалар мавжуд эмаслиги ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан референдум тайинлаш тартибига риоя этилгани каби масалаларни кўриб чиқди.

Суд жараёнида Конституциявий суд куйидаги муҳим ҳолатга эътибор қаратади. Конституцияга мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳасини референдумга қўймасдан қабул қилиш ваколатига эга. Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси конституциявий қонун лойиҳасини қабул қилиш бўйича референдум ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган.

Конституциявий суд томонидан референдум ўтказиш йўли билан Конституция қабул қилиш амалиёти мамлакат тарихида биринчи марта қўлланилаётгани, референдум халқ иродасининг бевосита ифодаси экани, умумхалқ референдумида қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлиши, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир, деган конституциявий тамойилларга асосланиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Конституцияни қабул қилиш халқнинг хоҳиш-иродасига ҳавола қилиниши халқ ҳокимиятчилиги конституциявий принципини амалга оширишга хизмат қилади, деб баҳоланди.

Муҳокама қилинган масала ҳар томонлама ўрганиб чиқилиб, конституциявий қонун лойиҳаси бўйича референдум ўтказиш ҳақидаги қарор Конституцияга мувофиқ деб топилди. Бу, ўз навбатида, 2023 йил 30 апрель кунин референдумда умумхалқ овози билан қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституция давлат ва жамият ҳаётини модернизация қилиш ва мамлакатда конституциявий қонунчилик муҳитини янада кучайтириш учун мустақкам ҳуқуқий асос бўлди.

КОНСТИТУЦИЯ ВА ИНСОН ҚАДРИ

2023 йил 5 декабрь кунин Конституциявий суд мажлисида Конституция ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги конституциявий қонунга мувофиқ конституциявий судлов ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан Олий Мажлис палаталарига ва мамлакат Президентига ҳар йили тақдим этиладиган юртимиздаги конституциявий қонунчиликнинг ҳолати тўғрисидаги ахборот кўриб чиқилди. Конституциявий суд ахбороти мамлакатимиз тарихида биринчи марта очик мажлисда кўриб чиқилгани, унда кўтарилган масалалар конституциявий қонунчилик муҳитини таъминлашга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди. Конституциявий суд Бош қонуннинг юртимиз ҳудудида тўғридан-тўғри

Фуқароларнинг муносабатларига эътибор ошганини алоҳида қайд этиш жоиз. Жумладан, 2023 йил давомида Конституциявий судга келиб тушган икки мингдан ортиқ муносабат кўриб чиқилди. Улар Конституциявий суд судьялари, экспертлари томонидан ҳар томонлама ўрганилиб, зарур ҳолларда қўйилган масала юзасидан муносабат муаллифларига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Муносабатларда қўйилган бошқа масалалар, хусусан, умумюрисдикция судларининг қарорлари ва тергов, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари, уй-жой, ишга ва ўқишга тиклаш, пенсия таъминоти, фуқаролик каби бошқа муносабатлар ҳам эътиборсиз қолдирилгани йўқ. Шунингдек, Конституциявий судда фуқаролар билан яқиндан мулоқот қилиш, муносабатларини бевосита қабул қилиш мақсадида ишга туширилган “Фуқаро-

Конституциявий суд томонидан референдум ўтказиш йўли билан Конституция қабул қилиш амалиёти мамлакат тарихида биринчи марта қўлланилаётгани, референдум халқ иродасининг бевосита ифодаси экани, умумхалқ референдумида қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлиши, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир, деган конституциявий тамойилларга асосланиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Конституцияни қабул қилиш халқнинг хоҳиш-иродасига ҳавола қилиниши халқ ҳокимиятчилиги конституциявий принципини амалга оширишга хизмат қилади, деб баҳоланди.

амал қилиши, ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан тегишли қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишидан ёки мавжудлигидан қатъи назар, қўлланилишига эътибор қаратилади. Хусусан, ўтган кичика мuddат ичида умумий юрисдикция судлари томонидан 21 мингдан зиёд жиноят, маъмурий, иқтисодий ва фуқаровий иш бўйича Конституция ва унинг моддалари тўғрисидаги қўлланилгани қайд этилди.

Шунингдек, Бош қонун унинг нормаларини тўлақонли амалга ошириш бўйича давлат органлари олдига кенг қўлламали ва масъулиятли вазифалар қўйиши ва айни пайтда уни тўғридан-тўғри қўллаш билан боғлиқ айрим масалалар ҳам мавжудлигига эътибор қаратилди.

Конституция устуворлиги, инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ўз навбатида, қонунчилик ва ҳуқуқ устуворлигига таъсир этаётган омилларни ваколатли давлат органлари томонидан ўз вақтида аниқлаш ва тезкор чоралар кўриши тақозо этади.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг Конституциявий судга муносабат қилиш институти ривожлантирилгани фуқаролар учун янада қўлай шароит яратиб, конституциявий одил судловга эришишни таъминлашни янги босқичга олиб чиқишда ҳуқуқий пойдевор вази-фасини ўтамоқда.

Конституциявий суд ахбороти барча давлат органларининг Бош қонунни амалга ошириш ва конституциявий қонунчиликни таъминлашда масъулиятни тўлақонли ҳис қилиш, ўз фаолиятида Конституцияда кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларнинг чекланишига йўл қўймай, уларни бузишнинг ҳар қандай ҳолатлари бўйича тезкор ва қатъий чораларни кўриб бориш масъулиятини кучайтиради.

Конституциявий суд томонидан қонунлар, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Ўзбекистон Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг Конституцияга мувофиқлиги тизимли равишда ўрганилиб, таҳлил қилиб бо-рилади. Бу эса Конституция ва қонун устуворлигини самарали таъминлашга хизмат қилаётди.

Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 28 февралдаги фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга доир давлат дастурига мувофиқ, Конституциявий суд томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан эллиқдан ортиқ тақлиф ва тавсия берилди. Бу тақлифлар мазкур ҳужжатларнинг миллий Конституциямизга мослигини таъминлаш мақсадини кўзлайди.

ларнинг онлайн қабули” телеграм канали орқали Конституциявий судга муносабатлар орқича оворарчиликларини олдин олиш, одамларнинг узоқини яқин қилишда яхши самара бермоқда.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ

Конституциявий суд вакиллари-нинг конституциявий ислохотлар, янги қабул қилинган қонун ҳужжатлари, одил судловни амалга ошириш



тартиботининг мазмун-моҳиятини халқимизга етказишдаги иштироки тобора кенгаймоқда. Бунда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик фаол йўлга қўйилган. Жумладан, газета ва журналлар, электрон нашрларда уларнинг ранг-баранг мақолалари, телевидениеда интервью ва суҳбатлари мунтазам бериб борилаётди.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда ахборотларни кенг аудиторияга тақдим этиш бўйича тушунтириш-тарғибот ишлари кўлами ҳам кенгайиб бормоқда. Ҳуқуқий тарғибот тадбирларида Конституция лойиҳаси ва янги таҳрири мазмун-моҳияти, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги конституциявий қонун ва Конституциявий суд фаолияти ҳақида, 2023 йил бўлиб ўтган референдумга ҳамда Президент сайловига оид тушунтириш ва тарғибот материаллари билан фуқароларни хабардор қилишга, мамлакатимиздаги кенг қамровли ислохотларда суд ҳокимиятининг ўрни ва ролини ёритишга алоҳида эътибор қаратилади. Ахборот тезкорлиги ва ҳақонийлигини таъминлаш мақсадида Конституциявий суд фаолиятига оид маълумотлар ва янгиликлар Президентиянинг суднинг www.konstusud.uz расмий сайтыда мунтазам равишда эълон қилиб борилаётди.



Маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш ҳамда “Маънавият ва маърифат соат”ларини ташкиллаштириш бўйича изчил ишлар қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонларини ўрганиш ва Конституциявий суд ходимларининг ўшбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган вазифалари ҳақида судьялар ва суд ходимларига батафсил тушунтиришлар берилди.

САМАРАЛИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Конституциявий суднинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва конституциявий одил судловни такомиллаштириш борасида тажриба алмашиш, Ўзбекистондаги кенг қўламли ислохотлардан жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар ваколатхоналари, чет мамлакатлар конституциявий одил судлов органлари билан яқин ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Конституциявий суд вакиллари қатор халқаро конференция ва тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Конституциявий суд томонидан Европа кенгашининг Ҳуқуқ орқали демократия учун Европа комиссияси (Венеция комиссияси) билан ҳамкорликда 2023 йилнинг 25-26 май кунлари Самарқанд шаҳрида “Марказий Осиё давлатларида конституциявий шикоят институти моделларининг ривожланиш тенденциялари” мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Анжуманда конституциявий шикоят институтининг ҳуқуқий асослари, қўлланилиш амалиёти ва илгор тажрибадан юзасидан фикр алмашилди. Марказий Осиё давлатлари, айниқсан, янги Ўзбекистонда конституциявий шикоят институти муттасил ривожланиб бораётгани эътироф этилди. Ўзбекистонда конс-

судлари билан имзоланган меморандумлар асосида самарали ҳамкорлик қилинмоқда.

Шунингдек, вакилларимиз ўзaro тажриба алмашиш, малака ошириш ва алоқаларни мустақкамлаш йўналишида қатор халқаро тадбирларда иштирок этди. Жорий йилда Санкт-Петербург шаҳрида ўтган “Конституция ва конституциявий назорат: ривожлантириш доктринаси ва такомиллаштириш амалиёти” мавзусидаги XI халқаро юридик форум, Корея Республикасининг Сеул шаҳрида бўлиб ўтган Осиё Конституциявий судлари ва эквивалент институти уюшмасининг “Одил судловни таъминлаш: конституциявий истиқболлар” мавзусидаги навбатдаги халқаро симпозиуми, Қирғизистон Конституцияси қабул қилинганнинг 30 йиллиги муносабати билан ташкил этилган “Конституция ҳуқуқий, демократик давлат барпо этишнинг асоси сифатида” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция, Озарбайжон Конституциявий судининг 25 йиллиги муносабати билан ўтган “Конституция нормаларини қўллаш орқали қонунчиликни ривожлантириш” мавзусидаги халқаро конференция, Туркий дунё конституциявий юрисдикциялар конференциясининг (TURK — AY) биринчи йиғилиши, Анқара шаҳрида (Туркия) Осиё конституциявий судлари ва эквивалент институти уюшмасига аъзо давлатлар вакиллари учун “Суд мустақкамлиги адолатли судлов ҳуқуқининг кафолати” мавзусидаги VI ёғин мактаб дастури шулар жумласидан.

Шунингдек, мутахассисларимиз Жакарта шаҳрида Индонезия Конституциявий суди ташкил этилганнинг 20 йиллиги муносабати билан ўтган “Демократия, рақамли трансформация ва суд мустақкамлиги” мавзусидаги VI халқаро ўқув курси каби тадбирларда ҳам қатнашди.

Бундай халқаро тадбирлар юртимиздаги конституциявий ислохотларнинг юксак самараларига оид маълумотларни хорижий мамлакатлар вакиллари бевосита етказиш, конституциявий назоратни амалга ошириш соҳасида тажриба алмашиш, хорижий мамлакатлар тажрибаси билан яқиндан танишишда муҳим минбар бўлиб хизмат қилади.

Халқаро форумлар иштирокчиларига мамлакатимизда кечаётган конституциявий ислохотлар ҳақида батафсил ахборот берилди. Жумладан, жорий йилда бўлиб ўтган референдумда янги таҳрирда қабул қилинган Конституциянинг мазмун-моҳияти, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид нормалар, шунингдек, Конституцияда илк бор белги-ланган конституциявий шикоят институтининг аҳамияти ёритилди.

Конституциявий суд ишини самарали ташкил этиш ва фаолиятини мунтазам такомиллаштириш, судья ва ходимлар малака ва кўникмаларини бойитиб бориш йўналиши Конституциявий суднинг одил судловни таъминлашга хизмат қилади. Халқаро форумлар иштирокчиларига мамлакатимизда кечаётган конституциявий ислохотлар ҳақида батафсил ахборот берилди. Жумладан, жорий йилда бўлиб ўтган референдумда янги таҳрирда қабул қилинган Конституциянинг мазмун-моҳияти, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид нормалар, шунингдек, Конституцияда илк бор белги-ланган конституциявий шикоят институтининг аҳамияти ёритилди.

Конституциявий суднинг тобора такомил топиб бораётган фаолияти нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳақли равишда жаҳоннинг энг тинч ва осойишта, дадил ривожланаётган мамлакатларидан бири сифатида эътироф этилган янги Ўзбекистонни барпо қилишдек эзгу мақсадга эришиш йўлида Бош қонунимизга таянган ҳолда конституциявий қонунчиликни янада мустақкамлаш, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини кенг ва самарали таъминлашга қаратилгандир.

Кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти ошиб бормоқда. Фуқароларда юртимизнинг ёрқин келажагига, барқарор тараққиётга ишонч ҳисси янада мустақкамланганини нафақат маҳаллий, балки халқаро экспертлар ҳам кенг эътироф этмоқда. Жумладан, Хитой Ижтимоий-фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори Сун Чжуанжунининг фикрича, “янгиланган Конституцияни ишлаб чиқишда Ўзбекистон фуқароларининг мисли кўрилмаган фаоллиги, бир томондан, давлат раҳбари олиб бораётган демократик ислохотлар сиёсатини кенг қўллаб-қувватлаётганидан, иккинчи томондан, янги Ўзбекистонни барпо этиш

конституциявий назорат институти фаолияти, хусусан, конституциявий шикоят институти янада такомиллаштириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини муносиб ҳимоя қилиш Конституциявий суд органларининг биринчи галдаги вазифаси сифатида белгилангани бунда муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Осиё Конституциявий судлари ва эквивалент институти уюшмаси билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ушбу уюшмага аъзо 18 давлат вакиллари билан икки ва кўп томонлама мулоқотлар ўтказиб келинмоқда. Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Озарбайжон Конституциявий

ЭЪТИРОФ

ЎЗБЕКИСТОНИМИЗДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ЯНГИЛАНИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР НАФАҚАТ ЮРТДОШЛАРИМИЗ, БАЛКИ ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ҲАМ КЕНГ ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА, ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА. БУ ЭСА БИЗ, ИЛМ АХЛИНИ ЯНАДА ИЗЛАНИШГА, ЯНГИЛИК ЯРАТИШГА, ИХТИРО ВА КАШФИЁТЛАР ҚИЛИШГА УНДАЙДИ.



Ахмед РЕЙМОВ, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ректори, академиги

Бошланиши 1-бетда

Дарҳақиқат, илм маънавиятнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, инсонни камолотга етаклайди, унга ҳурмат ва обрў-эътибор келтиради. Билимли киши самарали ижодий ва илмий ишлари билан эл орасида ҳурмат топади, жамият ривожига ҳисса, халқи ва Ватани обрўсига обрў қўшади.

Утган ҳафта мен ҳам Президентимиз фармони билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб тасдиқландим. Бу мен учун гоёта шараф бўлиши билан бирга, елкамга улкан масъулият ҳам юклайди.

Мен 1999-2002 йилларда ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институтида аспирантурада ўқидим. Ўқиш давомида маҳаллий ҳомаёти, яъни Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида фосфорли минерал ўғитлар олиш бўйича илмий тадқиқот олиб бордим. Бойитилмаган Қизилқум фосфоритларини кам меъёрли нитрат кислотаси билан қаттиқ фазали

ОРЗУЛАР РЎЎБИ — ИЛМГА ВА УНИ ЎРГАНИШГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР НАТИЖАСИ

режимда парчалаш жараёнини ўрганиб, таркибида фосфор, азот ва сувда эрувчан нитрокальцийфосфат (НКФУ) ишлаб чиқариш технологиясини яратдим. 2004 йилда "Қизилқум фосфоритларини кам меъёрли нитрат кислотаси билан парчалаш асосида нитрокальцийфосфат ва нитрокальцийсулфосфат ўғитларини олиш технологиясини яратиш" мавзусидаги номзодлик диссертация-

чиқарилди. 4,35 миллион АҚШ доллари қийматидаги 30 минг тонна ўғит экспорт қилинди.

2006-2008 йилларда ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институтининг докторантурасида таҳсил олиб, Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида фосфорли ва мураккаб азотфосфорли минерал ўғитлар кимёси ва технологиясининг илмий асосларини яратиш бўйича тадқиқот



сини муваффақиятли ҳимоя қилдим ва ўтказилган илмий тажрибалар асосида олинган натижалар "Самарқандкимё" АЖ корхонасида ишлаб чиқаришга таъбиқ этилди. Бугунги кунгача "Самарқандкимё" АЖда 316,5 миллиард сўмлик 600 минг тоннадан зиёд НКФУ ишлаб

олиб бордим. Натижада соф фосфорли ўғит олишининг янги технологиясини ишлаб чиқдим. У 2009-2011 йилларда "Аммофос-Максам" ОАЖда тажриба-саноат қурилмасида синовдан ўтказилди ва 160 тонна тажриба партияси ишлаб чиқарилди.

Шунингдек, 2014 йилда "Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида фосфорли ва мураккаб азотфосфорли ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилдим. Аммиакли селитра суюқлиги ва Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида жаҳон амалиётида ўхшаши бўлмаган портлаш хавфи кам аммиакли селитра ишлаб чиқаришнинг ноб теологиясини яратдим. У "Навоийазот" АЖда таъбиқ этилди. Натижада қиймати 240 миллиард сўм бўлган 493 минг тоннадан ортиқ АФУ ишлаб чиқарилди, жумладан, қиймати 7,8 миллион доллардан ортиқ 36 минг тонна ўғит хорижга экспорт қилинди.

Бундан ташқари, "Бентонит қўшимчиси иссиқликка чидамли аммиак селитрасини олиш технологиясини ишлаб чиқаришга жорий этиш" мавзусида инновацион лойиҳа ва "Аммоний селитраси термик барқарорлигини оширишнинг физикавий-кимёвий асосларини ишлаб чиқиш" мавзусида фундаментал тадқиқотларни бажардик ҳамда термик барқарорликка эга бентоселитра ишлаб чиқариш технологиясини яратилди. Натижада 3,5 миллиард сўмлик 3000 тоннадан ортиқ бентоселитра ишлаб чиқарилди ва ҳозирда уни экспорт қилиш бўйича Хитой, Грузия ва бошқа давлатлар билан музокаралар олиб борилмоқда.

2007 йили "Истеъдод" жағғармаси танлови ғолиби сифатида Хитой Халқ Республикасининг Шанхай университетида кимё ва биотехнология йўналиши бўйича, 2015 йилда Ҳиндистоннинг Фаридобод шаҳрида Ўғитлар сифатини назорат қилиш ва ўрганиш институтида

малака оширдим. 2017 йилдан буён Қорақалпоқ давлат университети ректори вазифасида ишлаб келяман. Утган қисқа вақтда университетда таълим сифатини ошириш, илмий салоҳиятни юксалтириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш юзасидан салмоқли ишлар қилинди.

2019 йилдан буён университет ҳузуринда техника, биология, тарих, иқтисодиёт, филология, хорижий филология, юридик ва география фанлари бўйича илмий даража берувчи 8 та илмий кенгаш фаолият юритмоқда. Шу кунга қадар мазкур илмий кенгашларда 148 та диссертация муваффақиятли ҳимоя қилинди.

Қорақалпоқ давлат университети нуфузли халқаро рейтинг ташкилоти ҳисобланган Times Higher Education курсаткичининг 2022 йилга белгиланган Impact рейтингига (THE Impact Rankings 2022) кириш учун даъвогар сифатида мамлакатимиздаги 30 та олий таълим муассасаси қаторида 7-уринни эгаллади. Шунингдек, 2022 йилда дунё бўйича 15 мингдан ортиқ ОТМ иштирок этган Top Universities Ranking 2022 рейтингига ҚДУ 2543 ўрин, Осиё минтақасида 675-, Ўзбекистон бўйича эса 2-ўринда қайд этилди.

Республика олий таълим муассасалари рейтингига ҚДУ 2020 йилги фаолияти бўйича 37-ўридан 2021 йилги фаолияти натижаларига қара 29-ўринга кўтарилди.

Ушбу рейтинг курсаткичиларида университетининг баҳолаш мезонлари, хусусан, илмий мақолалардан иқтибослар бўйича 2-уринни эгаллаган бўлса, ижтимоий-гуманитар соҳа бўйича Скопус базасидаги илмий журналларда

илмий мақолалар чоп этиш курсаткичида 5-уринни, илмий даража ва унвонлар олиш борасида Ўзбекистон ОТМлари орасида 10-уринни эгаллади. 2022 йил ноябрь ойида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги фаолиятининг охириги беш йиллигига бағишлаб ўтказилган ҳисобот рейтингига Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети илмий тадқиқотлар ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, илмий инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш ва иқтидорли талабаларнинг илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш борасидаги фаолияти самарадорлиги бўйича мамлакатимиздаги 190 га яқин олий таълим муассасалари ўртасида ТОП-5лик ОТМлари қаторидан ўрин олди.

Буларнинг бари Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш, олим ва тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича қилинаётган ишлар натижасидир. Ўзбекистонимизда олиб борилаётган кенг қўламли янгилашни ва ўзгаришлар нафақат юртдошларимиз, балки дунё ҳамжамияти томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда, қўллаб-қувватланмоқда. Бу эса биз, илм ахлини янада изланишга, янгилик яратишга, ихтиро ва кашфиётлар қилишга ундайди.

"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" МИНБАРИ



Абдирасул ЖУМАҚУЛ, "Hurriyat" газетаси бош муҳаррири

22 декабрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлиси шак-шубҳасиз тарихий анжуман бўлди. Негаки, унда давлатимиз раҳбарининг куйинчаклик билан сўзлаган нутқи нафақат зиёлиларни, илҳом ва маънавий жўшқинлик бахш этди, десак хато бўлмайди.

Албатта, юртимизда кейинги йилларда маънавий-маърифий соҳаларда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Ижод аҳли, маънавият аҳли ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Давлатимиз

раҳбари ўз нутқида таъкидлаганидек, юртимизда 2023 йилда биргина маданият ва санъат соҳасига 712 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилгани ва бу 2017 йилга нисбатан таққосланганда беш баробардан ортиқ эканлиги бежиз эмас.

Ўйлаб кўринг, маънавият ва маърифат соҳасига нега бу қадар катта эътибор қаратилмоқда? Нега илм-фанга, таълимга, миллий ўзлигимизни ойдинларни бўлган жадид боболаримиз қолдирган маънавий меросини ўқиб-ўрганишга даъват қилинмоқда?

Чунки "Маънавиятсизлик ва гоёсизлик ҳар қандай жамиятни таназзул сари етаклаши, давлат сиёсати ва бошқарувини кучсизлантириши, коррупция, жиноятчилик ва ахлоқсизлик каби иллатларнинг илдириш остишига сабаб бўлиши билан боғлиқ мисолларни инсоният тарихидан кўплаб келтириш мумкин", деб ёзган эди Президентимиз ўзининг "Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси" китобида.

Дарҳақиқат, одам боласи қанча умр кўрса ҳам, қанчалик моддий томондан таҳликали вазиятларга эътибор қаратар экан, энг аввало, юртимиз мустақиллигини, ҳур ва озодлигини асраш, ҳар бир ватандошимизнинг турли бузғунчи, чалғитувчи ғоялардан оғоҳ бўлиши лозимлигини бежиз бот-бот таъкидлаб ўтмади. Боиси, сўнгги вақтларда дунёда нафақат қирғинбарот урушлар, ҳун-резлиқлар, вайронагарчиликлар билан бир қаторда, борган сари мафшуравий курашлар, таҳдидлар ҳам авж олиб бормоқда. Хусусан, ўзини "сиёсатдон" деб билгувчи айрим кудратли давлатларнинг вакиллари ҳатто тажовузкорона фикрлар билдираётгани ташвишлидир.



Янги йилнинг биринчи санасидан бошлаб юртимизда "Жадид" номли газета чиқа бошлайди. Демак, юрт қайғуси билан жонларини фидо қилган маърифатпарвар, элпарвар боболаримизнинг асарларини, буюк меросини ўқиб-ўрганиш, тарғибот-ташвиқот қилиш йўлида катта бир минбарга асос солинди.

Юқоридаги ҳолатлар ҳақида Президент Шавкат Мирзиёев сўз юритар экан, бундай макорона чиқишларга юртимиз зиёлиларининг ўз вақтида муносоиб жавоб қайтара олиши, гоёвий-мафшуравий соҳада халқимизнинг илгор фикрли қатлами рақобатга тайёри, ёш авлодимиз тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб беришга, деган ҳақли саволларни ўртага ташлади.

Дарҳақиқат, бугун ижтимоий тармоқларни, турфа хил интернет нашрларини кузатадиган бўлсак, уларда бузғунчиликка, кўпуровчиликка даъват этаётган ёки миллий кадриятларимизга зид бўлган айрим фикрларни ўртага ташлаётганлар ҳам йўқ эмас. Ўзини "сиёсатдон" деб билгувчи баъзи бир хорижий юртлардаги айрим кимсалар эса ҳатто зўравонликни, юрт дахлсизлигини, ҳурлигини раҳна солувчи баёнотларни ҳам очикдан-очик билдиришдан қайтмаётгани гувоҳ бўляпти. Афсуски, ана шундай ғаразли фикрларга кескин ва муносоиб жавоб қайтаришга негиз бўлмаган ҳурлигини раҳна қатлами ҳисобланганимиз ёзувчи ва шоирлар, маданият ва санъат намояндалари, ОАВ вакиллари ўз вақтида муносабат билдиришти, деб бўлмайди.

Халқимиз, барча каттаю-кичик ҳаммаша оғоҳ бўлиши лозим. Президентимиз жадидларимиз меросини чуқур

ўқиб-ўрганишга, буюк боболаримизнинг жасоратини қалбларга сингдиришга қилаётган даъватлари бежиз эмас. Нега узоқ йиллар давомида ҳатто номлари ҳам айтилмай келган миллат оидинлари бўйича Ўзбекистонда халқаро конференциялар ташкил этилди? Чунки тарихимизнинг сўнгги юз йилдан ортиқроқ даврида миллиятимизнинг буюк армони бўлиб келган бугунги истиқлол орузи дастлаб мана шу жадидлар қўлида ниш отган, улар она Ватанимиз орузу-армонлари билан майдонга чиққан эди. Шу боис, улар биринчи бўлиб юртимизда мактаблар очди, биринчи бўлиб замонавий олий мактаб гоёсини илгари сурди. Унлаб ширкатлар, жамиятлар ташкил қилиб, улар кўмағида қанчадан-қанча ёшларни Оврупо мамлакатларига ўқишга юборишга эришди. Театр ва санъатни қўллаб-қувватлади, янги газета ва журналлар ташкил қилди. Мактаблар учун дарслиқлар ёзишди. Бир сўз билан айтганда, халқни ойдинлик сари, мустақиллик сари бошлади. Сабаби диний ва дунёвий билимга эга бўлмаган миллиятнинг эртаси йўқлигини, эрки омонат бўлишини жадидлар жуда яхши билар эди. "Миллат озод бўлиб, ўзининг мустақил давлатини ўрнатмагунча, ижтимоий адолатни тиклаб бўлмайди", деб ёзган эди Маҳмудхўжа Бехбудий.

Жадидлар бу кутлуг йўлда халқимиз онгу тафаккурини янада ошириш, чархлаш учун ўша вақтларда "Ойна", "Вақт", "Хуршид", "Нажот", "Инқилоб", "Туркистон", "Меҳнаткашлар товуши", "Хуррият", "Ойдин", "Садои Туркистон" каби унлаб газета ва журналлар ташкил қилди. Уларга биринчи навбатда юксак тафаккур, юрт озодлиги, ҳурлиги, халқнинг маърифатини ўстириш гоёси сингдирилган эди. Бежиз атоқли адиб Абдулҳамид Чўлпон "Кишан кийма, бўйин эгма, ки сен ҳам ҳур туғулғонсен!", дея жасорат билан майдонга чиқмаган!

Янги йилнинг биринчи санасидан бошлаб юртимизда "Жадид" номли газета чиқа бошлайди. Демак, юрт қайғуси билан жонларини фидо қилган маърифатпарвар, элпарвар боболаримизнинг асарларини, буюк меросини ўқиб-ўрганиш, тарғибот-ташвиқот қилиш йўлида катта бир минбарга асос солинди.

"Буёун маънавият бошқа соҳалардан ун қадам олдинда юриши, маънавиёт янги кучга, янги ҳаракатга айланади керак", деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилмида мен ҳам қатнашиб, ҳаяжонимни яширолмади, икки оғиз фикр айтишга ўзимда куча топа олдим. Бу кучни менга Президентимизнинг "Кимнинг қандай фикри бўлса, саволи бўлса, тортинмасдан гапирсин", деган тақлифи берди. Аммо давлатимиз раҳбарининг ёнида туриб, мамлакатимизнинг қўллаб-қувватлари, зиёлилари олдида ҳаяжонланмасдан гапиршининг ўзи қийин экан. Очиги, айтмоқчи бўлган гапларимнинг ҳар бири айтила олмайди. Лекин айрим хусусий нашриётлар фақат пул учун сифатсиз ва бадий жиҳатдан жуда бўш китобларни чоп этаётгани, мамлакатимизда Янги Ўзбекистон гоёси, Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришдек улкан ислохотлар мазмун-моҳиятини ёритиб бораётган 20 га яқин асосий нашрларнинг обунаси қийин кечаётгани, бунинг оқибатида не-не машаққатлар билан чоп этилаётган ана шу газета ва журналлардан халқимиз баҳраманд бўла олмаётганини зўрга айта олдим.

Аммо мен ишонаман, кейинги 6-7 йил давомида жонажон Ўзбекистонимизда рўёбга чиқарилаётган улкан натижалар, ишлар, янгиликлар олдида каминга ўртага ташлаган масалаларнинг ижобий ҳал бўлиши ҳеч га эмас. Мен Президентимизга ана шу фикримни катта йиғилишда ўзим хоҳлагандек айти олмадим. Аммо ана шундай улғуф минбар орқали дилмидагиларни баён этаётганимдан бахтиёрман.

НУҚТАИ НАЗАР

БОБОЛАР ЗИЁСИ БОР азиз тупроқ меники



Ҳафиз Мўлдошев олган сурат.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 3 августда юртимизнинг бир гуруҳ зиёлилари билан учрашгани ҳамда адабиёт, илм-фан, маданият, санъат аҳлининг қалбидаги оғриқли муаммоларни бартараф этиш борасидаги ўз режаларини баён этгани кечагидек ёдимда. Ўшандан кейин, тан олиш керак, катта ўзгаришлар бўлди. Бир ижодкор сифатида адабиёт ва адабиёт аҳлига берилган эътибор хусусида икки оғиз тўхталсам.

даргоҳи ҳисобланади. Ушбу илм масканлари ҳақиқий маънода адабиёт, санъат ва маданиятнинг теран ағдайдиган, ҳис этадиган авлод тарбиясида муҳим роль ўйнашига амин бўлганмиз. Шукри, ижод мактаблари секин-аста қутулган самарани бераётди.

Ўтган ҳафтада Президентимиз раислигида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда яна асосий эътибор маънавият аҳлини қўллаб-қувватлашга қаратилди. Мазкур йиғинда ишторик эътибори, давлатимиз раҳбарининг зиёлиларга бўлган ишончи ниҳоятда юксак эканини ҳис этдик.

Маърифатпарвар боболар ғоясини ўрганиш ва ривожлантириш бўйича Президент қарори қабул қилинишининг белгиланиши, Бухорода Жаҳидлар мероси давлат музейи очилиши, "Жаҳид" номили янги газета ташкил этилиши билан боғлиқ ташаббуслар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолгани йўқ экан. Бугун ватанга, миллатга, халқимизга фидойи фарзандлар керак. Шубҳа йўқ, белгиланган бу ишлар келажакда ўз меваларини беради.

ша бўлади. Шу маънода, Халқаро болалар адабиёти кўргазмасини ташкил этиш таклифи ҳам адибларимиз, ҳам ноширларимиз самарали фаоллиқ юритишига сабаб бўлади. Китобхон миллатнинг эса маънавияти юксакдир.

Яқинда Жанубий Корея республикасида хизмат сафарига бўлганимизда Сеулдаги бир китоб дўконига кирдик. Дўкон эмас, шаҳарча, китоблар шаҳарчаси деса ҳам бўлади. Гапнинг ростки, жуда ҳавасим келди. Дўкон хизматчиларидан сўраб билдик, дўконда 350 минг номдаги китоблар савдога қўйилган экан. Харидга келганлар худди концерт саройи касалариди тургандек навбатда турибди. Берилаётган кенг имкониятлар бизда ҳам шундай китоб дўконлари пайдо бўлишига замин бўлса ажабмас.

Президентимиз ташаббуси билан "Жаҳон болалар адабиёти дурдоналари" 100 жилдлиги нашри амалга оширилади. Демак, янги-янги асарлар таржимаси билан адабиётимиз хазинаси бойийди. Болалар ва ўсмирларимиз жаҳон мумтоз адабиёти намуналаридан баҳраманд бўлади.

Давлатимиз раҳбари тарихимиз санъатининг аҳамиятига тўхталиб, бундай меҳнат муносиб рағбатлантириш учун Огаҳий номидаги халқаро мукофотни таъсис этиш ташаббусини илгари сурди. Худо хоҳласа, бу ташаббус самараси ўлароқ дунёнинг қўллаб-қувватлашнинг асарлари ўзбек тилига ўғиррилиб, китобхоналарга туҳфа этилади.

Театр санъатини ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқиш ва Маннон Уйғур номидаги мукофот таъсис этиш, маком, катта ашула, бахшичилик, атлас ва адрес, қулоччилик ва заргарлик каби анъаналарни давом эттирадиган мактаблар яратиш, халқаро майдонда ўзбек маданият дипломатысини кенгайтириш, музейлар фаолиятини такомиллаштириш, кино, тасвирий ва амалий санъат соҳасини, интернет адабиётини ривожлантириш ҳам муҳимлиги таъкидланиб, шу мақсадда адабиёт, кино, тарих, санъат, фольклор намуналарини қамраб олган "Ўзбек маданияти" портали яратиш сингари қатор ташаббуслар илгари сурилди. Булар зиёлиларнинг олдига катта вазифалар борлигини фойдалайди.

Бугун адабиёт, санъат, илм-фан, маданият аҳли бирлашиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб ижод қилиши керак. Зотан, барча тараққиётнинг пойдевори маънавиятдир. Маънавиятнинг ҳалқ эса маърифатли бўлади. Маърифатли халқ дегани эса Ҳақни танийдиган, ҳалол ва ҳаромнинг фарқида борадиган, Президентимиз ибораси билан айтганда, "ҳалоллик ваққинаси" билан эмланган бўлади. Бундай кишилар Ватани беғариз, бетаъма, муҳаббат ва садоқат билан севади, унинг тараққиёти ва фаровонлиги учун бор қуч-ғайратини аямайди.



Ғайрат МАЖИД, Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси раиси уринбосари, шоир

фарзандларини етаклаган ота-оналар, набираларини бошлаб юрган бобо-момоларни кўп учратаман. Улар бу жойга алоҳида тайёргарлик билан келмаса бўлмайди, мабодо фарзанду набиралар бирор-бир улуғ сиймонинг ҳайкалига қараб, бу киши нима ишлар қилган, деб сўраса, жавоб беролмай, уятда қолмайлик-да, дейишади.

Айтмоқчи бўлганим, собиқ совет даврида ҳам бу ерлар боғ, боғда катта кўл бўлган. Аммо ўша замон боғининг вазифаси билан ҳозирги хиёбоннинг хизмати ўртасида катта фарқ бор. Ўзбекистон Миллий боғи таркибидаги Адиблар хиёбони, шубҳасиз, миллатимиз маънавиятига хизмат қилади. Шу маънода, бу манзилни АДАБИЁТ БОҒИ, МАЪНАВИЯТ БОҒИ деб ҳам аташ мумкин.

Булбуллар сайраб-сайраб, яйраган боғ меники, Яқин-йироқ меники, шу сўлу соғ меники, Кўжда порлаган кўёш, нурли ёноқ меники, Боболар зиёси бор, азиз тупроқ меники, Ватаним, давлатимнинг бемисл ардоғи бу, Адиблар хиёбони — адабиёт боғи бу.

Самарали ижод қилаётган адибларимиз имтиёзли асосда уй-жой билан таъминланди. Атоқли ижодкорларимизнинг таваллуд саналарини нишонлаш, худудларда адабиёт кўчалари ўтказиш хайрли анъанага айланди. Ёш истеъоддорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Зомин семинари қайта тикланди. Ёзувчилар уюشمаси томонидан мунтазам равишда китоблар чоп этилмоқда. Дунёнинг қўллаб-қувватлаш ташкилотлари билан ҳамкорликлар ўз самарасини бермоқда. Натيجадда уюшма аъзолари жаҳоннинг нуфузли адабий анжуманлари, танловларида мунтазам иштирок этиб, голиб бўлмоқда, адабий алмашинувлар масаласида эзгу ишларни амалга оширмоқда.

"Дўстлар клуби" доирасида ҳам кўп хайрли ишлар қилинди, бунинг ўзи алоҳида мавзу. Атоқли адиблар ном билан фаолият юритаётган ижод мактаблари эса ҳеч бир давлатда муқобили йўқ таълим ширинлиди. Тадбирга ташриф буюрган ижодкорлар юқорида тилга олинган адабий обидларимиз — кўп жиллик китобларимизни кўриб хайрату ҳаяжонларини яширмади. Озарбайжон халқ ёзувчиси, "Дўстлик" ордени соҳиби Анар муаллим, Қозғистон халқ шоири Улугбек Эшдавлат каби ижодкорлардан "Туркий адабиёт дурдоналари" сингари кўп жиллик мажмуалар нашри масаласида Ўзбекистондан ўрнат олишимиз керак, деган сўзларни эшитиб жуда хурсанд бўлганмиз.

Ўзбекистон уюشمасига меҳмон бўлган ижодкорлар сафар таассуротларини ўз давлатлари матбуотида ҳам эълон қилгани юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Ростини айтсам, хайрли ишлар ҳақида бир кўр ёдга олганларимиз ҳамир учидан патири, холос. 2017 йилдан бугунги кунга қадар давлатимиз томонидан ижод ва ижод аҳлига берилаётган эътибор ва ғамхўрлик борасида яна узоқ гапириш мумкин.



Дунё қалқиб турибди. Тяхликали, ўта зиддиятчи жараёнларнинг таъсири мамлакатимизда ҳам сезилаётгани сир эмас. Четдан туриб ҳар хил олчолқар овоз бир мамлакатнинг, халқнинг тинч ва осуда ҳаётига таҳдид соладиган ғояларни тарғиб қилимоқда. Ана шундай пайтларда давлат, шубҳасиз, зиёлиларга сунянд. Президентимизнинг "Тарихдан маълум: Ватан ва халқ тақдирини нисбатан таҳдидлар кучайган вазиёта айнан миллат фидойилари — уйғоқ қалб-зиёлилар, шоир ва адиблар, санъат намояндалари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққанлар..." Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига қираётган ҳозирги пайтда бизга жаҳид боболаримиз каби Ғарб илм-фан ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етук қадрлар сув билан ҳаводек зарур!" деган таъкиддини чуқур ҳис этиши пайти аллақачон етиб келган.

Шу жиҳатдан маънавият масаласи — юрт ва миллат ҳавфсизлиги маъносиди жуда долзарб аҳамият касб этади. Президентимиз миллий санъат турларини янада ривожлантириш, ҳатто ойнинг бир кунини театр кунки этиб белгилаш каби таклифи билан миллат қалбини тарбиялаш, уни сайқаллаштириш орқали сийратни гўзаллаштириш ғоясини қўйди. Япония таълимида "Ахлоқ сари йул" дастури асосида бошланғич синфларда 6 йил давомида тарбия асосида таълим берилар экан. Бу — маънавий тарбиянинг ўзи. Эҳтимол, 2011 йилги цунами оқибатларини бартараф этишда бир тану бир жон бўлиб курашар экан, япон халқи бугун дунёга маънавий бирлигини намён этганининг пойдевори шундадир. Жанубий Кореяда эса бошланғич таълимда мусиқа, тасвирий санъат каби фанларга, қалб тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади. Қолаверса, санъат, адабиёт инсонга фикр тарбиясини ҳам беради. Рус олимаси Дарья Мосолова корей маданиятини ўрганар экан, "Корейс халқида ҳеч қачон "араб баҳори" амалга ошмайди, чунки бу ерда оломон эмас, халқ яшайди", деган эди. Эҳтимол, мана шу таърифнинг пойдеворини ҳам ўша, бошланғич синфдаги қалб тарбиясида кўриш керакдир? Мана шу маънода, йиғилишда устозларни қўллаб-қувватлаш, нуфузини ошириш масаласи кўтарилгани, қолаверса, қалб тарбиясидаги юксак вазиға долзарб-лаштирилгани жуда муҳимдир.

МУНОСАБАТ

ФИКР ВА ҚАЛБ ТАРБИЯСИ!

Шахло АХРОРОВА, Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти катта илмий ходими, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори

Бугун дунёда иккита хатар бор: бири — сиёсий, иккинчиси — маънавий-мафқуравий! Дунёда ҳавфсизликнинг икки тури ўта долзарб: биринчиси — сарҳадлар даҳисизлиги, иккинчиси — маънавий-мафқуравий ҳавфсизлик. Демак, нафақат юрт чегараларини, балки қалб ва онг сарҳадларини ҳам қўриқлаш, асраш лозим.

Давлатимиз раҳбари юртимиздаги турли кенгашиларнинг иккитасига раҳбарлик қилади: бири Ҳавфсизлик кенгаши бўлса, иккинчиси Маънавият ва маърифат кенгашидир. Мана шунинг ўзи маънавият масаласи нафақат жамият, балки давлат аҳамиятига молик эканидан алоҳида дариб турибди.

Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида кўтарилган масалалар ниҳоятда долзарб, миллат, юрт тақдирига молик. Унда белгиланган вазиғалар эса юрт тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсон олдига вазиға қўяди. Бу вазиғалар фақат маданият, маънавият, маърифат соҳасида фаолият юритаётганлар эмас, балки жамиятнинг қайси жабҳасида, қайси лавозим ёки вазиғида ишлаганим, ўзини мафқура майдонидан айро кўра олмайдиган ҳар бир шахсга оиддир.

Президентимиз жаҳидлар мисолида бугунги кунда шундай янгилинишлар учун курашувчи, фидойи инсонлар янада кўпроқ керак бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Бу бежиз эмас. Зеро, дунё инсон қалби ва онги учун курашаётган бир пайтда жаҳидлар кўтарган ғоялар янада долзарб бўлгани намён бўлмоқда. Маданият, санъат, миллий қадриятлар, халқ ижоди каби масалалар шунчаки ижтимоий аҳамият касб этибгина қолмай, миллатни бирлаштирувчи, миллий гурурни озиқлантирувчи воситага айланиши кераклиги айтилди. Бу йиғилишда кўтарилган масалалар маънавият ва маърифатга тааллуқли дейилса-да, аслида, миллат тақдирини, юрт тинчлигини, жамият раванқига оид жуда кўп тактик ва стратегик вазиғаларни қамраб олди. Бу масалалар ортда нафақат амалий фаолият дастуруламалари, балки жамиятнинг маънавий юксалтириш, ижтимоий-маънавий муҳитини барқарорлаштиришга оид юксак илм ҳам бор.

Уйлаб кўринг: нега турли кўчалар санъат, маданият, адабиёт қабилар воситасида ижтимоий ахлоқ сарҳадларига ҳужум қилмоқда? Нега қандайдир реклама воситаси ёки бошқа тарғибот усуллари орқали



миллий қадриятлар илдизларига кўрт бўлиб кириб боришга интилиммоқда? Нега бугун нишон бўлиб инсоннинг кўкси эмас, балки унинг онги, миллий ўзлиги, миллий илдизи танланди? Нега бугун жамият тарбияси масаласи "оммавий маданият" талқинида "эскилик сарқити"га айлантиришга уринилмоқда? Мана шу ёвуз мақсадлар амалга ошгудек бўлса, миллат, халқ, келажгимиз бўлиши ёшлар қай ҳолатга келиб қолади? Улар ўз илдизини ўзи кемирадиган манкуртта айланиб, ватанпарварлик туйғуларини ўз ҳаётидан қирқирак қилиб чиқариб ташламайдими? Бундайлар ёвдан юртини асрайдими ёки уларга эшик очиб, туз-нон билан кўчиб олидими?

Ўзбек тили — муҳим миллий қадрият! Ўз тилига садоқат кўрсата олманган одамдан бошқа ҳеч қандай юртпарварлигини кўриб бўлмайди. Ҳар кунни хоҳлаган телеканални ёқинг ва бирорта шоу-кўрсатувга назар солинг, ёмйрдан кейинги кўзюриндай кўпайиб кетган сериаллар, новеллаларни, интервьоларни, концертларни, ҳатто айрим сиёсатдонларимизнинг ҳам маърузаларини тинглаб кўринг: ҳар ўн та сўзининг бири русча. Бадиий тилда гапириши-ку, айтмас ҳам бўлади. Бугун энди тилга қираётган болаларимиз айрим, масалан, "маладес", "уже", "есть" каби хоржий сўзларни ўз она тили қабилида ўзлаштиряпти. Мабодо шу сўзларнинг соғф ўзбекчасини айтиб қолсангиз, у сизни хоржий тилда гапиряпти, деб ўйлайди. Бу масалани аллақачон онгимизга сингирди бўлдиқ. Тил масаласи кўрилуши ҳам айнан маънавиятнинг асосий ўқоларидан бирига чўғ солиш билан баробар бўлди, деб ўйланам.



Бир сўз билан айтганда, ушбу йиғилишда тилга олинган ҳар бир масала дўппини бошдан олиб, обдан ўйлантирадиган, ундани тинглаб кўринг: ҳар ўн та сўзининг бири русча. Бадиий тилда гапириши-ку, айтмас ҳам бўлади. Бугун энди тилга қираётган болаларимиз айрим, масалан, "маладес", "уже", "есть" каби хоржий сўзларни ўз она тили қабилида ўзлаштиряпти. Мабодо шу сўзларнинг соғф ўзбекчасини айтиб қолсангиз, у сизни хоржий тилда гапиряпти, деб ўйлайди. Бу масалани аллақачон онгимизга сингирди бўлдиқ. Тил масаласи кўрилуши ҳам айнан маънавиятнинг асосий ўқоларидан бирига чўғ солиш билан баробар бўлди, деб ўйланам.

Бир сўз билан айтганда, ушбу йиғилишда тилга олинган ҳар бир масала дўппини бошдан олиб, обдан ўйлантирадиган, ундани тинглаб кўринг: ҳар ўн та сўзининг бири русча. Бадиий тилда гапириши-ку, айтмас ҳам бўлади. Бугун энди тилга қираётган болаларимиз айрим, масалан, "маладес", "уже", "есть" каби хоржий сўзларни ўз она тили қабилида ўзлаштиряпти. Мабодо шу сўзларнинг соғф ўзбекчасини айтиб қолсангиз, у сизни хоржий тилда гапиряпти, деб ўйлайди. Бу масалани аллақачон онгимизга сингирди бўлдиқ. Тил масаласи кўрилуши ҳам айнан маънавиятнинг асосий ўқоларидан бирига чўғ солиш билан баробар бўлди, деб ўйланам.

ҒАЗАТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛФБОСИДА Ўқиш учун МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

